

Хушхабар

23 йиллик «таътил»дан сўнг: Сўжда болалар ёзги таътилни оромгоҳда ўтказади

Сўх туманида илгари болалар оромгоҳи фаолият кўрсатган бўлиб, 1999 йилгача ишлаб, кейин буткул ёпилган.

Шу боис Ўзбекистон касаба ўюшмалари Федерацииси томонидан тумандага замонавий болалар оромгоҳи курилишининг бошланши катта воқеа сифатида кутиб олниди.

Сўх туманининг «Истиклол» маҳалласида курилаётган, қиммати салкам 30 милиард сўмлик оромгоҳда айни пайтда ишлар жадал суръатлар билан давом этмоқда. Кимдир пародозлаш ишлари билан, кимдир манзарали даражат экиш ишлари билан масгуф.

— Бу хайрли ишнинг бошланши катта-ю кичини суюнтириб юборди, — дейди Таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Сўх тумани кенгаши раиси Муҳаммаджон Суюнбоев. — Нега ҳам суюнтириб.

Ўз мухбirimiz



Андижон вилояти

Таассуф

Кўчат экишга «креатив» ёндашув....

Янда ёзги мавсумга тайёргарлик ишлари билан танишиш мақсадида Улуғнор туманининг «Мингбулоқ» болалар дам олиш оромгоҳида бўлдик. Масканда «Яшил маскан» акцияси доирасида маҳаллалардаги ёшлар етакчиларининг кўчат экишатга нийати кўриб, дилимиз яйради.

Аммо уларнинг олдига бориб, ишлардан 4-5 йигитни хисобга олмаганда, қолганлари ҳар ер, ҳар ерда телефонга термулиб ўтиришгани, «селфи» қилишаётгани, энг

ачинарлиси, терак кўчатлари илдизини кетмон билан чопиб, илдизиз чўпни ерга қадашётганини кўриб, ҳафсаламиз пир бўлди.

Икки метрли илдизиз чўпнинг кўклаб кетишини ақлга сифидириб бўладими, ахир? Еки бу тажриба ёшлар етакчиларининг кўкаламзорлашибириш бўйича «креатив» ёндашувимикан?

Эзис кўчатлар, эзис бехуда сарфланган вақт...

Анваржон ҲАЛИМОВ,
«ISHONCH»



Мавзуга қайтиб...

Марказий банкка!

КЕЧИРИСИЗ, ЖАВОБИНГИЗНИ ТУШУНМАДИК!

Наҳотки, шундай катта давлат идорасида битта тушунарли жавоб хати ёза оладиган ходим йўқ?

«Ishonch» газетасининг 15 марта 33-сонидаги «Жавобини кутаётган саволлар» руҳида Қашқадарё вилояти Муборак туманида истиқомат қўйувчи Тошболта Авазов масъулларга хорижий ўкув юртларда таълим ола-

ётган талабаларга ҳам таълим кредитлари ажратиладими, деган савол билан мурожаат қўйланади.

Унинг саволига Марказий банк қўйидагича жавоб берди:

Бугунги кунда таълим кредитлари Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 18 августрдаги 527-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Молия вазирлиги хуруридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси ҳисобидан тиҳорат банклари орқали олий таълим ташкилотларида тўлов-контракт асосида ўқии учун таълим кредитларини ажратиши тартиби тўғрисида низом»га мувофиқ ажратиб келинмоқда.

Мазкур низомга кўра, Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатоётган барча олий таълим ташкилотлари (давлат, нодавлат, Ўзбекистон Республикаси худудидаги хорижий таълим ташкилотлари ва филиаллари)да ва кўшима таълим дастурлари бўйича бакалавриатининг кундузги таълим шаклида ҳамда магистратура босқичида тўлов-контракт асосида таҳсил олиси учун Ўзбекистон Республикаси фўқароларида молия вазирлиги хуруридаги Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан таълим кредитларини ажратиши ва уларни қўйтишини тартиби белгилаб берилган.

Марказий банк раиси ўринбосари

А.Камалов

Хоразм вилояти

Маош тўлашдаги қинғирлик

Хива тумани тиббиёт бирлашмасининг ходими – врач-стист Дилдора Матназарова Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба ўюшмаси Хоразм вилояти кенгашига мурожаатида иш ҳақини белгиланган разрядда олмайтанини билдириб, ушбу муаммони ҳал қилишда амалий ёрдам сўраган эди.

Касаба ўюшмаларининг аралашви билан ушбу мақсадида тартибда ҳал қилинди. Туман тиббиёт бирлашмаси бошлиги номига кўрсатма хати кирилди. Д.Матназаровага 3428963 сўм иш ҳақи тўлиқ ундириб берилди.

Ироди Раззоқова Хива тумани тиббиёт бирлашмасида

рентген-лаборант вазифасида ишлайди. Бирлашма маъмурорияти томонидан иш берувчиларнинг мекнат қонунчилиги доир билимларини мустахкамлаш чора-лари кўримкоқда. Иш берувчилар, бошлиқнинг касаба ўюшма кўмитаси раислари, кадрлар бўлуми бошлиқлари иштирокида кўплаб давра сукбатлари, семинарлар ташкил қилинмоқда.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба ўюшмаси Хоразм вилояти кенгашига томонидан ҳолат бўйича Хива тумани тиббиёт бирлашмаси бошлиги номига кўрсатма хати кирилди. Натижада И.Раззоқовага 8643000 сўм иш ҳақи тўлиқ ундириб берилшилди.

Расулбек АЛЛАБЕРГНОВ,
Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба ўюшмаси Республика кенгашининг Хоразм вилояти бўйича мекнат ҳуққи инспектори

Хуқуқ



ТАҲРИРИЯТДАН: Хўш, жавобдан нимани тушундингиз? Ҳеч нарсани, шундайми? Назаримизда, мутасадилар саволни тушунмаган кўринади. Ваҳолани, мутасадиларга аниқ ва лўнда савол йўлланган Эди.

Аслида, Марказий банк масъуллари аравани қуруқ олиб қочмасдан, хорижий

юртларда тўлов-контракт асосида таҳсил олаётган талабаларга имтиёз бор ёки йўқ-лигига ойдинлик киритса, кифоя эди.

Афуски, Тошболта Авазовнинг юқоридаги саволи яна очиқ қоладиган бўлди.

Наҳотки, шундай катта бир давлат идорасида битта тушунарли жавоб ёза оладиган ходим йўқ.. Афус!!!



Ишчи-ходимлар ўртасыда жисмоний тарбия ва спортни тарғиб қилиш, уларнинг спорт билан мунтазам шуғулланишлари учун имкониятлар яратиш мақсадида касаба уюшмалари ташкилотлари ташаббускорлик күрсатиб келмоқда.

Жумладан, Бухоро вилоятінде жорий тарбияниң түгандарында көзделешилген ташкилоттар яратып, спортни тарғиб қилиш, уларнинг маддий-техник базасини мустаҳкамлаштырып, тегиши шарт-шароитлар яратып буйича инвентаризация ишлери олиб бориди. Ҳозирги кунда 1010 та корхона, ташкилот ва мусассасада стол тенниси, шахмат ва шашка билан шуғулланыш учун спорт-соғлоломлаштырылған.



Фарғона вилояты
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояты кенгашида Федерациянинг меҳнат инспекцияси Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларидаги касаба уюшма ходимлари учун семинар-тренинг ташкил этди.

Тадбир

Меҳнат инспекторлари билан онлайн муроқот

Унда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг муроқатлар билан ишлештирилген ташкилотларда касаба уюшмалари ҳамда тармоқ Республика кенгашларининг худудий меҳнат инспекторлари билан онлайн тарзда боғланнилди.

Сўзга чиқсанлар мамлакатимизда амалга оширилған ислоҳотларда касаба уюшмалари ҳамда фаол иштирок этиётгани, буни жамоат тузилемасининг сўнгига йиллардаги фаолияти мисолида кутилиши мурожаатини эътироф этишди. Қолаверса, ходимлар хуқуқ ва мағналашарини кафолатлайдиган қонунчилик такомиллашаётгани, унинг ижроси таъминланётгани таъкидланди.

Тадбирнинг иккичи кисми «Фарғонаазот» АЖда давом этди. Бу ерда иштирокчилар ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва хуқуқий мағналашарини қайда дара жада эътибор қартилаётганини, ишчи-ходимлар учун яратилган шароитлар, меҳнатини мухофазалаштиришадиган ишлар, шу билан бирга, корхонада фойдаланишга топширилган ўзга маркази фаолияти билан ҳам яқиндан танишдилар.

Анжуман давомида касаба уюшма раислари ҳамда меҳнат инспекторларига фаолиятлари давомида фойдаланадиган кўйламалар тақдим этилди.

Мансуржон ҲАТАМОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси
Фарғона вилояти кенгаши меҳнат техник инспектори

Ходимлар спортни қанчалик хуш кўради?

риш хоналари ташкил қилинган. Ходимлар ўртасыда ўтказилаётган турли спорт мусобакаларига малакали мутахассислар жалб этилмоқда.

Айниска, байрамлар муносабати билан ташкилот ва мусассасалар ходимлари ҳамда уларнинг оила аязларни ўртасыда турли спорт тадбирлари, мусобакалар мунтазам ўтказиб келинмоқда. Мусобакалар ғолиблари касаба уюшмаси кўмитасининг совгалири билан тақдирланмоқда.

Шуни унумаслик лозимки, бугунги кунда кўпгина ишлари компютер технологиялари баҳарайтган бир пайта кўпчилик бир жойда ўтириб, ҳаракатсиз ишлашга мажбур бўлмоқда. Бу эса организмда моддалар ал-



машинуви ва қон айланишининг бузилишига, мушаклар заифлашиб, айрим касалликлар пайдо

булишига сабаб бўлади. Кўпинча одамлар саломатлиги издан чиққандан сўнг соғлом турмуш тарзи ва жисмоний машҳуларга мурожаат қиласи. Ваҳоланки, мунтазам равишда оддий гимнастик машгулотларни бажариш ҳам саломатлика ижобий таъсир ўтказади.

Шундай экан, саломатлика ўз вақтида эътибор бериш, жисмоний машҳулар билан мунтазам шуғулланиш зарур. Ҳам жисмонан, ҳам маънан етук мутахассислар эса жамияти ҳаракатга келтирувчи етакчи кучга айланади.

Адолат АКРАМОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари
Федерацияси Бухоро вилояти
кенгашининг Маданий-мәърифий ва
спорти ишлари бўлимий мудири

Ички туризм

Ҳам саёҳат, ҳам зиёрат

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар кенгashi тасаррufидаги ташкилотларда меҳнат қилаётган 100 нафар кичик тиббий ходим учун Самарқанд вилоятининг тарихий қадамжоларига саёҳат ўюнтириди.

Саёҳат давомида зиёратчилар бой ва бебаҳо тарихий, маданий ва маънавий меросимиз билан яқиндан таънишдилар. Мустақиллик йилларида янгидан чирой очган шаҳар манзараларидан баҳраманд бўлиши.

Умуман олганда, улуғ тарихимиз ва бугунги тараққиётимизга гуҳо бўлиб, олам-олам таассурот билан қайтишиди.

Раъно МАҲҚАМОВА,
«ISHONCH»



Қорақалпоғистон Республикаси

Кегейли тумани тиббиёт бирлашмаси бир ойга чўзилган судда ҳуқуқини Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси буйича меҳнат техник инспектори ҳимоя қилган фуқарога ютқазди.

ДЕЗИНФЕКТОРГА ҚЎШИМЧА ТЎЛОВ ТЎЛАНМАЙДИ...МИ?

Туман тиббиёт бирлашмаси ушбу мусассасада дезинфектор лавозимида ишлаб келётган Ш.Узақбергенновга соғлиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлгани учун тўланадиган тариф ставкасига 15 фоиз миқдорида қўшимча тўловни тўламай келган эди.

Бирлашма раҳбарияти унинг талабини ҳадегандага қондиравермагач, Соғлиқни сақлаш ходимларни касаба уюшмасининг Қорақалпоғистон Республикаси кенгашига мурожаати кўшилди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қорақалпоғистон Республикаси инспектори Плат Абдизов мурожаатни ўрганиб чиқиб, бирлашма ходимининг хуқуқлари бузиладиган аниқлади.

П.Абдизовга кўра, тиббиёт бирлашмасидаги мутасаддилар Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорини тўлиқ тўшунамасдан, иш ҳақини нотўғри ҳисоблаган. Чунки ушбу қарорнинг 2-ило-

васи 1.19-бандида «Врач-эпидемиолог», дезинфекциячи, паразитолог, энтомологлар, вирусологлар, ўта хавфли инфекцияларни бўйимлари (бўйинмалари), пунктлари, санитария-назорат (карантин) ва дезинфекция станцияларни врачларла лавозимлари» деган жумла аниқ-тиниқ ёзиб кўйилган. У ерда факат Санитария-эпидемиология хизмати муассасалари ходимлари деймилмаган.

«Худи шу каби ҳолат Қўнғирот туманида ҳам қайд қилинаётган экан. Биз барча тиббиёт муассасаларидағи ҳолатни ўрганиб чиқаяпмиз. Чунки ушбу мазмунини

Саломатлик

«Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик жамияти ташаббуси билан темир йўл тизими тасаррufидаги барча корхоналарда 12 апрелдан 11 майгача «Меҳнат мухофазаси ойлиги» ўтказилмоқда.

МУҲИМ МАСАЛА МУҲОФАЗАСИ

Ойлик доирасида яқинда Темирйўчилар транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат мухофазаси бўйимли вакиллари «Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» УК тасаррufидаги корхона-

ларда бўлиб, меҳнат мухофазаси борасидаги ишлар билан таниши.

«Ўловчиларни ташиш Кўнғирот филиали»да ташкил этилган семинарда эса «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ Қорақалпоғистон Республика

Тадбир

ликаси ва Хоразм вилояти буйича меҳнат мухофазаси бош мутахассиси Р. Раҳмонбердиев ва «Қўнғирот минтақавий темир йўл узели» УК касаба уюшма худудий кўмитаси меҳнат мухофазаси буйича бош мутахассиси Б. Дањиев мухофазаси буйича амалга ошириладиган ишлар тўғрисида сўз юритишиди.

Ж.ВАЛИХОНОВ,
Темирйўчилар ва транспорт курувчилари касаба уюшмаси Республика кенгаши меҳнат мухофазаси бўйимли мудири

Фаолият

Самарқанд вилояти

Самарқанд шаҳри-даги 61-сонли ўшитишида нуқсони бўлган болалар учун ихтисослаштирилган мактаб-интернатда айни чоғда 406 нафар ўғилқиз тарбияланмоқда. Мактабни бу соҳада 40 йиллик иш таъкирасига эга, етук сурдолог Гуларо Эргашева бошқаради. Ўқув масканида нафақат таълим, балқи фан, касбга йўналтирувчи тўғараклар фаолият ҳам намунали йўлга қўйилган.



това ва Феруза Раббимованинг ижодий ишлари Америкада чоп этилаётган адабиёт антологиясида нашр қилиниб, маҳсус сертификатга эга бўлди.

Мактаб-интернатимиз Президентимиз томонидан илгари сурилган «беш ташаббус» республика танловининг биринчи йўналишида иккичи, бешинчи йўналишида учинчи ўринни кўлга киритди. Ўтган йил сентябрь ойидаги «Дерево талантов» халқаро ижодий танловларда биринчи ўринни кўлга киритган. Феруза Раббимова санъат соҳасидаги Москвада ил бор ўтказилган «Золота лира» халқаро танловлаураатлигига эришган. Шаҳбоз Ражабов – Ўзбекистон ногиронлар жамияти ҳамда Маданият вазирлиги ташкил этиган танловнинг «Энг яхши амалий санъат» номинацияси ғолиби. 11-синфда ўқиётган Нозима Муротова, Шаҳрибону Асророва, Наргиза Зойирова «Возрожденный Араб» инновация лойиҳасида ўзлари чизган расмлар билан қатнаши, гоҳиблар сафидалар жой егаллашган. Озодбек Раҳматов, Нозима Муро-

вондаги билимни таълим масканида ижодий мухит барқарор эканига гувоҳ бўлди. Мактабдаги 37 та синф-гуруҳ ўкувчиларининг ҳар лаҳзаси ҳисобли. Уларга нафақат илм, балқи ҳаёт сабоқлари ҳам мукаммал ўргатиб келинмоқда.

Нурила ШАМСИЕВ,
«ISHONCH»

Касаба уюшма аралашгач...



Кутубхоначи ўз ўрнида

Гулчехра Ҳайдарова 1994 йилдан бўён Сурхондарё вилояти болалар кутубхонасида меҳнат қилиб келаётган эди. Иш берувчининг ташаббуси билан 2007 йилда бадиий безакчи лавозимига ўтказилган. Аммо...

Президентнинг 2019 йил 30 сентябрдаги «Халқ таълими тизимида мактабдан ташқари таълим самародорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 27 майдаги «Мактабдан ташқари таълим тизимини токомиллаштиришнинг кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ҳалқ таълими тизимида мактабдан ташқари таълим тизимини токомиллаштиришнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги бўйругига кўра, вилоят халқ таълими башқармаси вилоят ахборот ресурс марказининг (Вилоят болалар кутубхонаси) штатлар жадвалида ўзгариш бўлиб, бадиий безакчи штатларни қисқартирилди.

Шу боис Ҳайдарова билан тузилган шартнома иш берувчи томонидан бекор қилинди. Ҳайдаровнинг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига қилган мурожаати ўрганилганда, иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишда Мехнат кодексининг бир қатор моддаларни бузгани аниқланди.

Низоли иш Фуқаролари ишлари буйича Термиз туманлардо судида кўриб чиқилди ва суднинг ҳал қилив қарори билан Ҳайдарова ўз ишига тикланди. Иш берувчидан унинг фойдасига мажбурий бекор юрган кунлари учун 1 миллион 981 минг 924 сўм иш ҳақи ҳамда 5 миллион сўм мъянавий зарар ундириб берилди.

Зариф ХОЛОВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Сурхондарё вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

Тошкент шаҳри

Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига!

МУАММОГА ЕЧИМ БОРМИ?

Kасбим пайвандчи. 34 ёшдаман. Вақтинча ишсизман.

Яшаш худудим бўйича бандликка кўмаклашиш марказига борганимда, менга жорий йил бўйича бўш иш ўринлари рўйхити тақдим этилди. Аммо ўша иш ўринларининг ойлик маоши 600-800 минг сўндан ошмайди. Хўш, бу арзимас маоши билан вояж етмаган тўрт фарзандни боқиши мумкини?

Чиқмаган жондан умиддея иш излашда давом этдим. Афсуски, маоши арзили иш тополмадим. Шундан сўнг вақтинча ишсизлик нафақаси олиш учун улар сўраган хужжатларни йигиб

Мирзијам КАРИМОВ
Яшнобод тумани



Самарқанд вилояти

Молия вазирлиги хузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига!

ИМТИЁЗ БИЗГА ҲАМ ТААЛЛУҚЛИМИ?

Грезидентимизнинг 2022 йил 17 февралдаги «Нигоронлиги бўлган шахсларни ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини кўллаб-куватлашнинг кўшишма чора-тадбирлари тўғрисида»ғи фармонига мувофиқ, 1 апрелдан имконияти чекланган шахсларга бир хил миқдорда – 622 минг сўнг нафақа тайинланishi белgilанди.

Ўзимдан келиб гапирадиган бўлсан, мен касб касаллиги бўйича 3-гурӯҳ нигорониман. 60 фойз меҳнатта лаёқатимни йўқот-

ланман. Айни чоғда ишхонам томонидан соғлиқка етказилган зарар учун ойма-ой товон пули тўлаб келинмоқда. Менга ўхшаб иш билан боғлиқ ҳолатда минглаб кишиларга ҳам зарар тўлланмоқда. Аммо бу миқдор жуда оз. Эндиликда бизга ўхшаб меҳнат жамоаларидан нафақа олаётган фуқароларнинг ҳам нафақа пули миқдори 622 минг сўмга етказиладими? Юқоридаги фармон бизга ҳам тааллуклами?

Лола ЎРОЛОВА
Каттақўрон шаҳри



Соғлиқни сақлаш вазирлигига!

МАЛАКАЛИ ҲАМШИРАЛАР ФАҚАТ ПОЙТАХТДАМИ?

Үтган йили пойтахт шифононарининг бирда фарзандимда жарроҳлик амалиёт ўтказилди. Турли қонтахлилари олинди. Бола ортиқча қийналмаслиги, муолажанинг тез ва ўз вақтида қабул қилинини учун вена ичига катетер жойлаб кўйишиди. Болажоним хеч қандай оғриқни сезмай, уколдан кўркмай муолажаларни қабул килди.

Яқинда эса Тошкент вилоятидаги болалар шифонона-

сида ҳам даволанишга тўғри келди. Табийки, болалар бемор инжилиги ва ингандан кўркиш бор. Боз устига, ҳамширалар томирга тушолмади, қаерда томир кўриниса, инга сукнига уриниб кўришиди. Ҳар «уқул»да қийналмасин деб катетер улашни талаб қилдим.

Шифофоронинг ҳавобидан ёқамни ушлаб қолдим: «Булар венага жойлаш техникисини билмайди».

Бу турдаги ингалар неча йил

илгари пайдо бўлган, бунинг устига, болалар шифонона бўлса, наҳотки томирга катетер улашни ўзлаширишмаган? Буни шифофор ҳам жимгини қабул қилиб қўя қолса...

Савол шуки, тибиёт ҳамшираси малакаси қандай текширилади? Уларнинг билими, хизмат кўрсатиш укуви қай таҳлит ривожлантириб борилади?

Озода МАМАДАЛИЕВА

Бекобод тумани



Хоразм вилояти

Молия вазирлигига!

МЕҲНАТИМИЗ ҚАДР ТОПАДИМИ?

Меҳнат қонунчилиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўтасидаги тармоқ келишувига кўра, навбатчилик асосида иш ташкил этиладиган соғлиқи сақлаш муассасаларида ходимларнинг 18:00 дан 22:00 гача бўлган даврдаги фаолияти учун 1,25, республикада ўтасиган паллада тиббёт ходимлари ўз ҳаловатидан кечиб, халқ хизматида бўлади. Меҳнат қадрламаётгани, фидойилиги учун қонунда белгилangan ҳақини ололмаётгани тиббиёт ходимларида ишлагани учун икки барабар ҳақ тўланиши керак.

Бироқ м-

лия идоралари томонидан тегиши маблағлар ажратилмагани сабабли ушбу талаблар бажарилмаёт. Холбуки, байрам кунлари барча шоду ҳураммалик қилаётган, вақтини оиласи ва яқинлари даврасида, саёҳатда хурсандчиллик билан ўтасиган паллада тиббёт ходимлари ўз ҳаловатидан кечиб, халқ хизматида бўлади.

Молия идоралари қаҷон қонун талаблари асосида фаолият юритади? Қаҷон шифокорлар меҳнати қадр топади?

Байрамларда эл хизматида бўладиган тиббёт ходимлари қонунчиликда кўрсатилган ҳақларини олишларига ишонса бўладими?

Юнусбек РЎЗМЕТОВ

Урганч шаҳри

Сурхондарё вилояти

Сариосиё туманидаги «Сурхон сифат текстиль» МЧЖ раҳбарига!

ЭЪТИБОРСИЗЛИК БОИСИ НИМАДА?

Сиз раҳбарлик қилаётган «Сурхон сифат текстиль» МЧЖ корхонасида 1200 нафар хотин-қиз ишлайди. Афсуски, ташкил этилганига 4 йил бўлганига қарамай, корхонагизда касаба уюшмаси тузиш ишлари пайсалга солиб келинмоқда.

Айтинг-чи, корхонагизда ишчи-ходимларнинг меҳнат ҳукуқларини ким ҳимоя қиласди?

А.ҚЎЗИМУРОДОВ,
Тадбиркорлик, бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳалари ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бирлашган қўмитаси раиси



Жавобини кутаётган саволлар

Самарқанд вилояти

Энергетика вазирлигига!

СИМЁГОЧЛАР ЯНГИЛАНАДИМИ?

Электр энергияси таъминотидаги узилшиллар борган сари камроқ учрамоқда. Бугун юртимизнинг энг чекка қишлоқлари ҳам куну тун чароғон. Аммо электр энергиясидан тежаб-тергаб фойдаланишда ҳар қадамда бошбошдоқликда қулашни дуч келинмоқда. Истеммолиларни-ку, кўя турайлик, айнан шу соҳага масъул ташкилотлар томонидан ҳам тежамкорликка амал қилинмаётганига нима дейсиз?

Айтишларича, узатилаётган электр энергиясининг маълум қисми тармоқлардаги носозликлар туфайли ҳавога

совуриларкан. Биргина Самарқанд вилояти мисолида олиб курадиган бўлсак, аксар худудлардаги воситалар эскирган. Хусусан, симёгочларнинг ўтаси ёши 55-60 йилни ташкил этиди. Аллакачон чириб, тўнкага айланган симёгочлар ўз муддатини ўтаси бўлса-да, алмаштирилмайти. Қайси ҳудуд аҳли мъурларга аризабозлик қилсанга алмаштирилади, аксар ҳолатларда эса...

Үйлаб қоласан қиши, вазирликнинг жойлардаги мавжуд аҳволдан хабари бормиқин?

Нурилла ШАМСИЕВ

Самарқанд шаҳри

Қашқадарё вилояти

Ўзбекистон футбол ассоциацияига!

ҲАКАМ БЎЛИШ УЧУН ҚАЕРДА ЎҚИШ КЕРАК?

Гарчи ҳозирга қадар футbol бўйича миллий терма жамоамис жаҳон чемпионатига чиқолмаган бўлса-да, ҳамоитимиз Равшан Эрматовнинг муниципалларда энг кўп ўйин бошқаргани бизга фарҳ-иғтиҳор бахш этиди.


Менинг турт нафар ўғлим бор. Улар ҳам футболга қизиқишиди. Фарзандларимдан бири ҳакам бўлиш орзусида.

Аммо яқинда матбутотда ўқиб ўзбекистонда ҳакамлар тайёрлайдиган мактаб ҳозирда фаолият юритмас экан. Наҳотки шу рост бўлса...

Футбол бўйича Ўзбекистон суперлигаси баҳсларини кузасиги кузаётган хакамларимиз кўпайши учун ҳакамлар тайёрлаш мактабини янада мукаммал тарзда ишга тушириш режаси борми?

Мустафо ЭРГАШЕВ

Чироқчи тумани



Соғлиқни сақлаш вазирлигига!

Тошкент вилояти

МАЛАКАЛИ ҲАМШИРАЛАР ФАҚАТ ПОЙТАХТДАМИ?

Үтган йили пойтахт шифононарининг бирда фарзандимда жарроҳлик амалиёт ўтказилди. Турли қонтахлилари олинди. Бола ортиқча қийналмаслиги, муолажанинг тез ва ўз вақтида қабул қилинини учун вена ичига катетер жойлаб кўйишиди. Болажоним хеч қандай оғриқни сезмай, уколдан кўркмай муолажаларни қабул килди.

Яқинда эса Тошкент вилоятидаги болалар шифонона-

сида ҳам даволанишга тўғри келди. Табийки, болалар бемор инжилиги ва ингандан кўркиш бор. Боз устига, ҳамширалар томирга тушолмади, қаерда томир кўриниса, инга сукнига уриниб кўришиди. Ҳар «уқул»да қийналмасин деб катетер улашни талаб қилдим.

Шифофоронинг ҳавобидан ёқамни ушлаб қолдим: «Булар венага жойлаш техникисини билмайди».

Озода МАМАДАЛИЕВА

Бекобод тумани

